

**2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича
Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да
амалга оширишга оид давлат дастури ижроси юзасидан
МАЪЛУМОТ**

(2020 йил 25 декабрь ҳолатига)

Т/Р	Амалга ошириладиган тадбир	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Молиялаштириш манбалари	Ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа	Бажарилган ишлар, тайёрланган ҳужжат лойиҳаси (кимга, қачон киритилган, хат рақами ва санаси)
III. ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ							
3.7. Ҳисобга олиш ва статистика тизимини такомиллаштириш.							
1.	80. Статистика соҳасини янада ривожлантириш бўйича Статистикани ривожлантиришнинг миллий стратегиясини ишлаб чиқиш.	2020 йил 1 июнь	Давлат статистика қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Марказий банк, вазирлик ва идоралар.	—	—	—	<p align="center"><u>БАЖАРИЛДИ.</u></p> <p>1. Жаҳон банки экспертлари билан ҳамкорликда миллий статистика тизимининг мавжуд ҳолати ўрганиб чиқилди, муаммо ва камчиликлар, шунингдек, ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгиланди. Натижада, “2020-2025 йиллар учун статистикани ривожлантиришнинг миллий стратегияси” ишлаб чиқилди. Стратегия 6 бўлимдан иборат бўлиб, 45 та йўналишда тадбирларни амалга оширишни назарда тутди. Тадбирлар 50,0 млн. АҚШ доллари миқдорида Жаҳон банкининг заём маблағлари ҳисобига амалга оширилади.</p> <p>2. Лойиҳани ишлаб чиқишда мамлакатимизда статистик маълумот ишлаб чиқарувчи барча вазирлик ва идоралар (29 та) ҳамда халқаро ташкилотлар (11 та) вакиллари жалб қилинган. Бу борада, 2019 йил давомида 2 мартаба муҳокамалар ўтказилган ва 2020 йил 29 январда (№01/1-06-11/5-31) келишиш учун Вазирлар Маҳкамасига киритилган.</p>

						<p>3. Стратегияни тасдиқлаш ва амалиётга жорий қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентнинг Фармон лойиҳаси тайёрланди.</p> <p>4. Таёрланган Фармон лойиҳаси project.gov.uz порталида ID-16764 рақами билан жамоатчилик муҳокамасига қўйилди. Муҳокама жараёнида 28 та вазирлик ва идораларнинг келиб тушган таклиф ва эътирозлари, шунингдек, жамоатчилик фикри ўрганиб чиқилиб, Фармон лойиҳасига тегишли тузатишлар киритилди. Ҳозирда, ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун ҳужжат Адлия вазирлигига киритилган.</p> <p>5. Лойиҳалар Адлия вазирлигининг ҳуқуқий экспертизасидан ўтказилган (2020 йил 13 майдаги 3/2-0314-сон ва 3/2-0315-сон). Олинган хулосаларга мувофиқ лойиҳалар қайта ишланиб, “Ўзбекистон Республикасида статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор лойиҳаси кўринишига келтирилди.</p> <p>6. Ишлаб чиқилган қарор лойиҳаси регламентга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электронтизими орқали (project.gov.uz) ID-16764 (V-3) 2020 йил 29 май куни 01/1-06-11/1-117-сон хат билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилди.</p> <p>7. 2020 йилнинг 1 июнь куни давлат раҳбари ҳузурида муҳокама йиғилиши бўлиб ўтди. Стратегия ижроси бўйича ишлаб чиқилган йўл харитасини тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда тармоқлар ва ҳудудлар статистикасини ривожлантириш бўйича аниқ вазифалар билан бойитиш топшириғи берилди.</p> <p>8. Топшириққа мувофиқ 39 та вазирлик ва идоралар билан биргаликда йўла харита</p>
--	--	--	--	--	--	--

							<p>лойиҳаси қўшимча вазифалар билан бойитилди ва 29.07.2020 йил куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига топширилди.</p> <p>9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4796-сон қарори билан Жаҳон банки кўмагида ишлаб чиқилган «2020 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси статистикасини ривожлантиришнинг миллий стратегияси» ва «2020 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси статистикасини ривожлантиришнинг миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» тасдиқланди.</p>
2.	81. “Расмий статистика тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш.	2020 йил 1 август	Давлат статистика қўмитаси, Молия вазирлиги, Марказий банк, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Адлия вазирлиги ва идоралар.	—	—	—	<p><u>БАЖАРИЛДИ.</u></p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 апрелдаги “Давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ4273-сон қарорига мувофиқ “Расмий статистика тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган.</p> <p>Лойиҳа - 6 боб ва 40 моддадан иборат. Лойиҳада МДХ, Осиё ва Европа мамлакатларининг, жумладан Германия, Япония, Хитой, Россия Федерацияси, Беларусь, Қирғизистон, Арманистон, Молдова ва бошқа мамлакатлар тажрибаси ўрганилган. БМТнинг “Расмий статистика тўғрисида”ги модел қонунидан асос қилинган.</p> <p>Лойиҳанинг хронологияси: - 29.08.2019й. (ID-6990) жамоатчилик муҳокамасидан ўтди (6 та таклиф олинди); - 30.10.-25.11.2019й. (ID-9655) 7 та вазирлик ва</p>

						<p>идора билан келишилди; - 26.11.-14.12.2019й. (ID-10536) Адлия вазирлигидан хулоса олиниб келишилди; - 15.12.2019й. (ID-11185) Вазирлар Маҳкамасига киритилган.</p> <p>Вазирлар Маҳкамасининг 24.12.2019 йилдаги 02/9655/1-1394-сон хати билан Президент Администрациясига киритилган.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иктисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5953-сон Фармонининг (матнда Дастур) 81-бандига асосан Ўзбекистон Республикасининг “Расмий статистика тўғрисида”ги қонуни лойиҳасини қайта ишлаб чиқиш назарда тутилган.</p> <p>Қонун лойиҳаси Қўмитанинг 2020 йил 29 июлдаги 01/1-04-1-179-сон хати билан Вазирлар Маҳкамасига киритилди.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги “Ўзбекистон Республикасида статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарорининг 2-иловаси билан тасдиқланган “Йўл харитаси”нинг 1-бандига асосан Қонун лойиҳаси август ойида қайта ишланди ва 2020 йил 4-17 август кунлари 01/1-04-15-181-сон хат билан project.gov.uz портали орқали вазирлик ва идоралар билан келишувдан ўтказилди, 2020 йил 19 августдаги 01/1-04-15-194-сон хат билан Адлия вазирлигига ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун юборилди ва ҳуқуқий хулоса (28.08.2020 й. 3/4-0655-сон)</p>
--	--	--	--	--	--	--

							олинди. Кўмитанинг 2020 йил 29 августдаги 01/1-04-1-203-сон хат билан Вазирлар Маҳкамасига киритилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 октябрдаги Раёсат мажлисининг 128-сон баёнига асосан Қонун лойиҳаси кўриб чиқилди ва мақулланди ҳамда Олий Мажлисга киритилди. Қонун лойиҳаси 2020 йил 19 ноябрда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 1-ўқишда мақулланди. Ҳозирги кунда лойиҳанинг 2-ўқишга тайёргарлик кўриш ишлари олиб борилмоқда.
3.	82. Қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритаётган барча турдаги хўжаликларни ялпи хатловдан ўтказиш.	2020 йил 1 декабрь	Давлат статистика қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, вазирлик ва идоралар.	—	—	—	<u>БАЖАРИЛДИ.</u> 1. “Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда қишлоқ хўжалигини рўйхатга олишни ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур лойиҳа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими (project.gov.uz) орқали 2020 йил 12 март куни 15831-сон билан 16та манфаатдор вазирлик ва идоралар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан идоравий келишув ҳамда жамоатчилик муҳокамаси учун жойлаштирилди. Жамоатчилик муҳокамаси жараёнида лойиҳага фуқаролардан таклифлар берилмади. Вазирлик ва идоралардан берилган таклиф ва эътирозлар кўриб чиқилди, ўринли деб топилган таклифлар асосида лойиҳага тегишли ўзгартиришлар киритилди. Лойиҳа ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этилди. Жорий йил 26 августда Адлия вазирлигининг лойиҳа юзасидан ҳуқуқий

						<p>экспертиза натижалари бўйича хулосаси олинди.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда қишлоқ хўжалигини рўйхатга олишни ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги қарор лойиҳаси Давлат статистика қўмитасининг 2020 йил 29 августдаги № 01/1-11-19-139-сон хат орқали Вазирлар Маҳкамасига киритилди.</p> <p>Вазирлар Маҳкамаси томонидан қарор лойиҳаси 2020 йил 11 ноябрдаги 02/15831/1-3472-сон хат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритилган.</p> <p>Ҳозирги кунда ҳужжат лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясида кўриб чиқилмоқда.</p> <p>2. Лойиҳага мувофиқ, қишлоқ хўжалигини рўйхатга олишни ўтказиш Концепцияси, қишлоқ хўжалигини рўйхатга олишни ўтказишга доир чора-тадбирлар режаси, қишлоқ хўжалигини рўйхатга олишни ўтказишга кўмаклашиш бўйича республика комиссияси ҳамда ҳудудий комиссиялар тасдиқланади.</p> <p>3. Концепцияда қишлоқ хўжалигини рўйхатга олишнинг мақсади ва асосий вазифалари, қишлоқ хўжалигини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш босқичлари, рўйхатга олишни амалга оширишда маъсул ташкилотларнинг вазифалари, рўйхатга олиш ишларига жалб этиладиган ходимлар тоифалари, рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнларини ахборот-коммуникация технологиялари асосида автоматлаштириш, рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш харажатларини молиявий таъминлаш, рўйхатга олишни ўтказиш, рўйхатга олиш яқунлари ва уларни эълон қилиш каби тадбирлар</p>
--	--	--	--	--	--	--

							<p>назарда тутилган.</p> <p>4. Қишлоқ хўжалигини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ҳамда натижаларини эълон қилиш бўйича доир чора-тадбирлар режаси” тасдиқланади.</p> <p>Чора-тадбирлар режасида қишлоқ хўжалигини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, молиявий ва моддий-техник таъминот, қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш яқунлари бўйича амалга ошириладиган тадбирлар ва уларни амалга ошириш механизми ҳамда бажариш муддатлари белгилаб берилади.</p> <p>5. Ваколатли давлат органлари ва ташкилотларига юклатилган вазифалар ҳамда функцияларни бажариш борасида уларга ташкилий-амалий, услубий, илмий ва бошқа жиҳатдан кўмаклашиш мақсадида, республика комиссияси таркиби тасдиқланади.</p> <p>6. Худудларнинг ўзига хос хусусиятлари ва жойлардаги долзарб муаммоларни тизимли ҳамда комплекс ҳал этиш заруриятини ҳисобга олган ҳолда, ҳудудий комиссияларнинг намунавий таркиби тасдиқланади.</p>
4.	28. Маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш чораларини кўриш.	2020 йил 1 июль	Олий Мажлис Сенати, Вазирлар Маҳкамаси, Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши,	—	—	—	<p><u>БАЖАРИЛДИ.</u></p> <p>Давлат статистика қўмитаси томонидан 2019 йилнинг январь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикаси ва худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг дастлабки яқунлари бўйича статистик маълумотлар белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига (Қўмитанинг 01/1-02-17/2-11-сон хати), Иқтисодиёт ва саноат вазирлигига (Қўмитанинг 01/1-02-17/2-13-сон хати), Молия вазирлигига (Қўмитанинг 01/1-02-17/2-12-сон хати) тақдим этилди.</p> <p>Шунингдек, қўмита томонидан 2020 йилнинг январь-март ойларида Ўзбекистон Республикаси</p>

			<p>вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари.</p>			<p>ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг дастлабки яқунлари бўйича статистик маълумотлар белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига (Қўмитанинг 01/1-02-17/1-98-сон хати), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига (Қўмитанинг 01/1-02-17/2-99-сон хати), Молия вазирлигига (Қўмитанинг 01/1-02-17/2-100-сон хати), Президент Администрациясига (Қўмитанинг 01/1-02-17/1-96-сон, 01/1-02-17/1-97-сон хати) тақдим этилди.</p> <p>Шунингдек, қўмита томонидан 2020 йилнинг январь-июнь ойларида Ўзбекистон Республикаси ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг дастлабки яқунлари бўйича статистик маълумотлар белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига (Қўмитанинг 01/1-02-17/1-176-сон хати), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига (Қўмитанинг 01/1-02-17/2-177-сон хати), Молия вазирлигига (Қўмитанинг 01/1-02-17/2-178-сон хати), Президент Администрациясига (Қўмитанинг 01/1-02-17/1-174-сон, 01/1-02-17/1-175-сон хати) тақдим этилди.</p> <p>Қўмита томонидан 2020 йилнинг январь-сентябрь ойлари учун Ўзбекистон Республикаси ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг дастлабки яқунлари бўйича статистик маълумотлар белгиланган тартибда Президент Администрациясига (Қўмитанинг 01/1-02-17/1-257-сон, 01/1-02-17/1-258-сон хати), Вазирлар Маҳкамасига (Қўмитанинг 01/1-02-17/1-259-сон хати), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига (Қўмитанинг 01/1-02-17/2-260-сон хати), Молия вазирлигига (Қўмитанинг 01/1-02-17/2-261-сон хати) тақдим этилди.</p>
--	--	--	---	--	--	--

5.	<p>64. 2030 йилгача Миллий Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш юзасидан Ўзбекистоннинг ихтиёрий миллий ҳисоботини шакллантириш.</p>	<p>2020 йил 1 июль</p>	<p>Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат статистика кўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Давлат экология кўмитаси, Бош прокуратура.</p>	—	—	—	<p><u>БАЖАРИЛДИ.</u></p> <p>1. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрьдаги "2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 841-сонли қарори қабул қилинди.</p> <p>2. Миллий Барқарор ривожланишда 16 та мақсад ва 125 та Миллий мақсад ва вазифалар тасдиқланди.</p> <p>Барқарор ривожланиш соҳасидаги Миллий Барқарор ривожланиш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси этиб Бош вазир ўринбосари - Ўзбекистон Республикаси молия вазири Д.А.Қўчқоров тасдиқланди.</p> <p>3. БРМ бўйича миллий платформа (http://nsdg.stat.uz). миллий веб-сайт яратилди.</p> <p>4. Ҳозирги кунда жами 206 та индикатордан 119 таси ишлаб чиқилган веб-сайтга жойлаштирилди.</p> <p>5. Давлат статистика кўмитаси томонидан Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатлари орасида биринчи бўлиб учта тилда (Ўзбек. Рус. Инглиз тилларида) статистик тўплам нашр этилиб БМТнинг ЕИК (UNECE) расмий веб-сайтига жойлаштирилди.</p> <p>Ўзбекистоннинг йиллик миллий ҳисоботини шакллантириш учун янгиланган статистик маълумотларни Давлат статистика кўмитасининг 2020 йил 17 апрелдаги 01/4-15-17/2-75-сон ҳати билан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига тақдим этилди.</p> <p>6. Давлат статистика кўмитаси ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда 65 индикатор бўйича кўрсаткичларни босқичма-</p>
----	--	----------------------------	--	---	---	---	--

						<p>босқич ишлаб чиқиш бўйича “ЙЎЛ ХАРИТАСИ” тайёрланди. Бундан ташқари, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ҳалқаро озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги бўлинмаси (ФАО) томонидан Ўзбекистонда жорий қилиш бўйича тавсия этилган индикатор бўйича тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўрганиб чиқилмоқда.</p> <p>Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Бош прокуратура академияси билан биргаликда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги доимий вакили (Хелена Фрейзер) томонидан Миллий БРМ индикаторларига қўшиш тавсия этилган индикаторлар рўйхати кўриб чиқилди.</p> <p>Миллий барқарор ривожланиш мақсад ва вазифаларни амалга ошириш юзасидан Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишининг баёни лоиҳаси ишлаб чиқилиб Давлат статистика қўмитасининг 2020 йил 7 июлдаги 01/4-15-17/2-141-сон хати билан 38 та вазирлик ва идораларга жўнатилиб улардан жавоб хатлари йиғиб олинди.</p> <p>2030 йилгача Миллий барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича 2019 йил якунлари бўйича маълумотларни тайёрлаш бўйича тегишли вазирлик ва идораларга Давлат статистика қўмитасининг 2020 йил 20 август 01/4-15-17/2-165 сон хати юборилди.</p> <p>Миллий барқарор ривожланиш мақсад ва вазифаларни амалга ошириш юзасидан Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишининг баёни тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Давлат статистика қўмитасининг 2020 йил 21 август 01/4-15-17/2-166 сон хати билан юборилди.</p> <p>2030 йилгача Миллий барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича 2020 йил 28 август</p>
--	--	--	--	--	--	--

							<p>санасида 02-02/1-1841-сон билан Миллий барқарор ривожланиш мақсад ва вазифаларни амалга ошириш юзасидан Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишининг баёни билан Миллий барқарор ривожланиш индикаторлар кўрсаткичларини босқичма-босқич ишлаб чиқиш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди.</p> <p>Вазирлик ва идораларга Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишининг баёни ижросини таъминлаш бўйича Давлат статистика қўмитасининг 2020 йил 16 сентябрь 01/5-15-17/2-196 сон хати юборилди.</p> <p>2030 йилгача Миллий барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича 2020 йил 28 август санасида 02-02/1-1841-сон билан Миллий барқарор ривожланиш мақсад ва вазифаларни амалга ошириш юзасидан Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишининг баёни билан тасдиқланган 1, 2 ва 3-иловаларга мувофиқ киритилган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси учун долзарб ҳисобланган «2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш бўйича кўрсаткичлар ва вазифалар рўйхати»ни Идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси томонидан 30.11.2020 йил 02/1-1841 сон билан тасдиқланди.</p>
6.	<p>139. Давлат ташкилотларидаги барча турдаги ҳисоботлар ҳамда маълумотлар базаларини интеграциялаш орқали маълумотларни бошқаришнинг ягона давлат тизимини яратиш.</p>	<p>2020 йил 1 июнь</p>	<p>Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Давлат статистика қўмитаси, Молия</p>	—	—	—	<p><u>БАЖАРИЛДИ.</u></p> <p>Мазкур топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда “Давлат органларидан маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш бўйича интеграциялашган ахборот тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси тайёрланди ва ўрнатилган тартибда келишиб берилди.</p> <p>Мазкур қарор лойиҳасига мувофиқ, Давлат статистика қўмитаси томонидан яратиладиган</p>

			вазирлиги, вазирлик ва идоралар.				<p>Давлат органлари маълумотларини йиғиш ва қайта ишлаш ахборот тизимида фойдаланиш учун зарур бўлган маълумотларни:</p> <p>давлат органлари ва ташкилотларининг очик маълумотлар тўпламлари рўйхатига киритиш ва уларнинг ўрнатилган тартибда янгилаб борилишини мувофиқлаштириш;</p> <p>Давлат статистикаси ишлари дастури доирасида шакллантириладиган статистик ва таҳлилий маълумотларни жамланма ҳолатда ва эгаси мавҳумлаштирилган тарзда тақдим этиш белгиланган.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 16 июндаги “Электрон ҳукумат тизимини янада ривожлантириш, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларининг ўз фаолияти бўйича жамоатчилик олдида электрон ҳисобот бериши тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ВМҚ-444-сон қарори эълон қилинди.</p>
7.	201. Имконияти чекланган фуқароларга ногиронлиги бўлган шахс мақомини беришда электрон маълумотлар платформасини ишлаб чиқиш ва бу жараёни оптималлаштириш да рақамли технологияларни жорий этиш.	2020 йил 1 июль	Инновация вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси, Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси.	—	—	—	<p><u>БАЖАРИЛДИ.</u></p> <p>1. Инновацияларни ривожлантириш вазирлигига “Имконияти чекланган фуқароларга ногиронлиги бўлган шахс мақомини бериш”да электрон маълумотлар платформасини ишлаб чиқишда иштирок этиш учун Давлат статистика қўмитаси масъул ходими бириктирилди.</p> <p>2. Инновацияларни ривожлантириш вазирлигига 2020 йил 13 март куни юқоридаги топшириқ ижросини ташкил этиш жараёнида иштирок этиш, зарур ҳолларда мавжуд статистик маълумотларни тақдим этиш бўйича Қўмитанинг ижтимоий соҳа ва барқарор ривожланиш статистикаси бошқармаси, барқарор ривожланиш ва ижтимоий соҳа тармоқлари статистикаси бўйича йиғма ахборотларни шакллантириш</p>

							бўлими етакчи мутахассиси Т.В.Кирпа номзоди кўрсатилиб № 01/4-15-17/2-56 сонли хат тақдим этилди.
8.	269. Халқаро иқтисодий рейтингларда Ўзбекистоннинг ўрнини яхшилашга қаратилган кейинги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.	2020 йил 1 июнь	Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, ТИВ, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Марказий банк, Адлия вазирлиги, илмий-тадқиқот муассасалари.	—	—	—	<u>БАЖАРИЛДИ.</u> Халқаро иқтисодий рейтингларда Ўзбекистоннинг ўрнини яхшилашга қаратилган тадбирлар доирасида зарур тегишли статистик маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига уларнинг сўрови асосида ишчи тартибда тақдим этилмоқда. Бундан ташқари, бевосита Давлат статистика қўмитасига тегишли бўлган, Жаҳон банкнинг “Статистика самарадорлиги индекси”да малакат кўрсаткичини яхшилаш бўйича Жаҳон банки экспертлари билан музокаралар олиб борилиб, амалга оширилган ишлар бўйича Жаҳон банки мутасаддиларини мунтазам хабардор қилиб борилди. Натижада, мазкур индексда малакат кўрсаткичи 64,4 баллга етказилди (2019 йил учун режа 61,1 балл). Натижада 2017, 2018 ва 2019 йил кўрсаткичларига аниқлик киритилиб, 2016 йил якуни билан мавжуд бўлган 48,9 баллга нисбатан 15,5 пунктга оширишга эришилди). 2020 йил якуни билан кўрсаткични режадаги 67,5 баллга етказиш чоралари кўрилмоқда.